

ОММАВИЙ САЙЁР ҚАБУЛЛАР ХАЛҚ РОЗИЛИГИНИ ОЛИШДА ХИЗМАТ ҚИЛМОҚДА



Қабулда жами жами 60 нафар Шеробод тумани фуқароларидан мурожаат тушган. Уларнинг 17 таси ижобий ҳал этилди. Жумладан, туманнинг “Нуртепа” маҳалласида яшовчи фуқаро Зоирова Сойип момога ногиронлик аравачаси, “Бойбулоқ” маҳалласида истиқомат қилувчи фуқаро Ҳайдаров Файзига ҳасса, “Ҳўжақия” маҳалласи фуқароси Худойназарова Норхолга эшитиш мосламаси тақдим этилди. Шунингдек, 9 та мурожаат юзасидан фуқароларга ҳуқуқий тушунтиришлар бериб ўтилди. Бу каби қабуллар фуқароларнинг адолат излаб идорама-идора юриши ёки пойтахтга овоз бериб келиб-кейтишининг олдини олиб, муаммони жойида ҳал қилиш имконини бermoқда. Энг муҳими, Республика даражасидаги раҳбарларнинг халқ ҳузурига бoраётгани қуйи тизимлардан ҳал бўлмаётган масалаларнинг ҳал қилинишига ёрдам бermoқда.